

**“Ангрен логистика маркази” АЖ
кузатув кенгашининг 1-сонли йиғилиш баёни**

Ўтказиш санаси: 2023 йил 12 июль

Ўтказиш жойи: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй.
“Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биноси.

Ўтказиш вақти: Соат 11:00 да.

Йиғилишда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:

- | | | |
|----|-------------------------------|------------------------|
| 1. | Рустамов Бахтиёр Равшанович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 2. | Алибеков Тимур Абдумухторович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 3. | Бойсинов Жасур Хасанович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 4. | Асроров Умит Саттор ўғли | кузатув кенгаши аъзоси |

Йиғилишга таклиф қилинганлар:

- | | | |
|----|--------------|---|
| 1. | Б.Абдураимов | “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори |
| 2. | Т.Шодиева | “Ангрен логистика маркази” АЖ девонхона мудир |

Кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартиби:

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши раисини сайлаш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида.
3.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида.
6.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзосига номзодларни кўриб чиқиш учун танлов ўтказиш тўғрисида.
7.	Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида.
8.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида.

Йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини 5 нафар аъзосидан 4 нафари, 80% иштирок этаётганлиги сабабли йиғилишни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд. Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

1. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши раисини сайлаш тўғрисида”ги биринчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Жамият кузатув кенгашининг раиси” деб номланган 77-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг раиси, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланиши, жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этиши, кузатув кенгаши мажлисларини чақиритиши ва уларда раислик қилиши, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этиши, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик

қилиши, агар жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга ошириши белгиланганлиги тўғрисида маълумот берди.

Б.Абдураимов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 28 январь куни 2755-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 2-банди талабларини инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашига аъзолиги учун номзоди кўрсатилиб, 2023 йил 27 июнь куни “Ангрен логистика маркази” АЖ ягона акциядорининг 87/09-2-qr-сонли қарори билан кузатув кенгаши аъзоллигига сайланган акциядорлик жамиятларини фаолиятини ташкиллаштириш бўйича катта тажрибага эга Б.Рустамовни жамиятнинг кузатув кенгаши раиси лавозимига сайлашни тавсия қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги иккинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, 2022 йил 25 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида тасдиқланган “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида”ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тузилганлигини маълум қилиб, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан У.Асроров, Т.Алибеков, Ш.Абдикаримовни киритиш, кузатув кенгашининг мустақил аъзоси танлов асосида сайлангунига қадар У.Асроровни Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи этиб сайлашни тавсия қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

3. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги учинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, 2022 йил 25 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида тасдиқланган “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси тўғрисида”ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Аудит қўмитаси тузилганлигини маълум қилиб, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан Т.Алибеков, У.Асроров, Ж.Бойсиновни киритиш, кузатув кенгаши аъзоси Т.Алибековни Аудит қўмитаси раиси лавозимига сайлашни тавсия қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

4. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг Кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, 2022 йил 25 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида тасдиқланган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши

хузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида”ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тузилганлигини маълум қилиб, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан Ш.Абдукаримов, У.Асроров, Ж.Бойсиновни киритиш, кузатув кенгаши аъзоси Ш.Абдукаримовни Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси лавозимига сайлашни тавсия қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

5. **Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши хузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги бешинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, 2022 йил 25 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши хузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тўғрисида”ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тузилганлигини маълум қилиб, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан Ж.Бойсинов, Т.Алибеков, Ш.Абдукаримовни киритиш, кузатув кенгаши аъзоси Ж.Бойсиновни Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси лавозимига сайлашни тавсия қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

6. **Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзосига номзодларни кўриб чиқиш учун танлов ўтказиш тўғрисида”ги олтинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ ягона акциядорининг 2023 йил 27 июндаги “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамиятининг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаси тўғрисида”ги 87/09-2qr–сонли қарори билан тасдиқланган ва давлат хизматлари марказидан 2023 йил 4 июль куни 2208456-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ангрен логистика маркази” АЖ уставининг 30.17-бандида жамият кузатув кенгашини мустақил аъзоси бўлишга номзодларга қўйиладиган талаблар белгиланганлигини маълум қилди.

Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

Жамият уставининг 31.13-бандида акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги, бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилиши белгиланган.

Ж.Бойсинов, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига танлов ўтказиш тартибини белгилловчи низом лойиҳасини ишлаб чиқилишини ва уни кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиш муҳокамасига киритиш тўғрисида таклиф киритди.

Б.Абдураимов, шу муносабат билан жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлишга номзодларни танлаш учун танлов ўтказиш, танловда иштирок этиш учун талабгорларга 2023 йил 1 сентябрга қадар муддат билан танловда иштирок этишлари учун шахсий ҳужжатларини жамиятга тақдим этишларини мумкинлиги тўғрисида www.openinfo.uz ва жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтлари орқали жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлишга номзодларга қўйиладиган талаблар асосида эълон беришни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

7. Кун тартибидagi “Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил 1 июнь куни LC/260-сонли мурожаат хати билан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг 2023 йил 1 июндаги 1-сонли йиғилиш баёнига асосан ва жамиятнинг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш бўйича “ABS FINANS AUDIT” МЧЖ контракт суммаси 31 360 000 сўмлик, “AUDIT-RUMANS” МЧЖ контракт суммаси 37 000 000 сўмлик, “КОНСАУДИТИНФОРМ” МЧЖ контракт суммаси 36 800 000 сўмлик, “AUDIT-VARIN” МЧЖ контракт суммаси 25 000 000 сўмлик тижорат таклифлари келиб тушганлигини, ушбу аудиторлик ташкилотларидан “AUDIT-VARIN” МЧЖ аудиторлик ташкилотини танлаш ва контракт суммасини 25 000 000 сўм килиб белгилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун таклиф киритилган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ ягона акциядорининг 2023 йил 27 июндаги “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамиятининг 2022 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти натижаси тўғрисида”ги 87/09-2qr-сонли қарори билан ушбу таклиф рад этилиб, жамият ижро органига жамиятнинг 2023 йил учун молиявий-ҳўжалик фаолиятининг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ электрон савдолар биржаси орқали аниқлангандан сўнг кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига киритиш вазифаси юклатилган.

2023 йил 3 июль куни “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан ХТ-ХАРИД электрон савдо платформасида жамиятнинг 2023 йил учун молиявий-ҳўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун бошланғич контракт суммаси 25 000 000 сўм бўлган якуний аудиторлик хулосани тақдим этиш муддати 270 иш кунини белгиланиб

2023 йил 10 июлгача танлов эълон қилинди. Танловда “ТТТ-AUDIT” МЧЖ контракт суммаси 25 000 000 сўм билан аудит текшируви якуни бўйича аудит хулосасини тақдим этиш муддати 15 иш куни ва “OSIYO-AUDIT” МЧЖ контракт суммаси 25 000 000 сўм билан аудит текшируви якуни бўйича аудит хулосасини тақдим этиш муддати 200 иш куни тақлифи билан иштирок этди.

Т.Алибеков, жамиятнинг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун танловда иштирок этган аудиторлик ташкилотлари тақлиф қилган контракт суммаси бир хил ва уларнинг орасидан қайси бирини танлаш бўйича асослантирилган мезон мавжуд эмаслигини инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит кўмитаси томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун танлов ўтказиш тартиби ва аудит ташкилотига танловда иштирок этиш учун қўйиладиган шарт ва мезонларни ўз ичига олган низом ишлаб чиқилишини ва уни кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиш муҳокамасига киритиш тўғрисида тақлиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

8. Кун тартибдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг кўшимча-чора тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли Қарорининг “Оммавий савдолар орқали тўлиқлигича сотиладиган корхоналарнинг акция пакетлари (улушлари) рўйхати” деб номланган 1-иловасида қайд этилган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг устав фондидаги 100 фоиз давлат улуши(акция пакетлари)ни сотиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2023 йил 4 июль куни 03/08-1-17/3197-сонли хат билан “Ангрен логистика маркази” АЖ устав капиталидаги давлат акция пакетини хусусийлаштириш учун “Mosaic financial” МЧЖ консултант сифатида жалб қилинганлиги, шу муносабат билан тегишли хусусийлаштириш дастурларининг ижросини ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш мақсадида “Ангрен логистика маркази” АЖ ва “Mosaic financial” МЧЖ ўртасида ахборотни ошкор этмаслик тўғрисида битим (NDA)ни расмийлаштириш ва тезкор маълумотларни алмашинувини йўлга қўйиш сўралган.

“Mosaic financial” МЧЖ 2023 йил 7 июль куни 35-сонли хат билан мурожаат қилиб, унда “Ангрен логистика маркази” АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини хусусийлаштириш ишларини ташкиллаштириш учун ўзаро ахборотни ошкор этмаслик тўғрисида битим (NDA)ни расмийлаштириш ва “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 – 2022 йиллар ва 2023 йилнинг биринчи ярим йилликдаги молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш учун тақдим этиш сўралган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ ягона акциядорининг 2023 йил 27 июндаги “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамиятининг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаси тўғрисида”ги 87/09-2qr–сонли қарори билан тасдиқланган ва давлат хизматлари марказидан 2023 йил 4 июль куни 2208456-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ангрен логистика маркази” АЖ уставининг 30.6-бандида жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, жамият ва унинг таркибдаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича

келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда ушбу жамият кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилиши белгиланган.

Б.Абдураимов, жамият ижроия органи томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖ ва “Mosaic financial” МЧЖ ўртасида ахборотни ошкор этмаслик тўғрисида битим (NDA)ни расмийлаштирилиши ва тезкор маълумотларни алмашинувини йўлга қўйиш ишларига розилик беришни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Юқорида баён қилинганларга асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси Б.Рустамов жамиятнинг кузатув кенгаши раиси этиб сайлансин.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан У.Асроров, Т.Алибеков, Ш.Абдикаримов киритилсин.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси танлов асосида сайлангунига қадар У.Асроровни Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи этиб сайлансин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси ва унинг аъзоларини йиллик иш-режаси ишлаб чиқилсин ва кузатув кенгаши муҳокамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

3. “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан Т.Алибеков, У.Асроров, Ж.Бойсинов киритилсин.

Кузатув кенгаши аъзоси Т.Алибеков Аудит қўмитаси раиси этиб сайлансин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси раиси ва унинг аъзоларини йиллик иш режалари ишлаб чиқилсин ва кузатув кенгаши муҳокамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

4. “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан Ш.Абдикаримов, У.Асроров, Ж.Бойсинов киритилсин.

Кузатув кенгаши аъзоси Ш.Абдикаримов Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси этиб сайлансин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси ва унинг аъзоларини йиллик иш режалари ишлаб чиқилсин ва кузатув кенгаши муҳокамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

5. “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан Ж.Бойсинов, Т.Алибеков, Ш.Абдикаримов киритилсин.

Кузатув кенгаши аъзоси Ж.Бойсинов Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси лавозимига тасдиқлансин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси ва унинг аъзоларини йиллик иш режалари ишлаб чиқилсин ва кузатув кенгаши муҳокамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

6. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига танлов ўтказиш

тартибини белгиловчи низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва кузатув кенгаши муҳокамасига киритсин.

“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлишга номзодларни танлаш учун танлов ўтказилсин.

Танловда иштирок этиш учун талабгорларга 2023 йил 1 септябрга қадар муддат билан танловда иштирок этишлари учун шахсий ҳужжатларини жамиятга тақдим этишларини мумкинлиги тўғрисида www.openinfo.uz ва жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтлари орқали жамият кузатув кенгашини мустақил аъзоси бўлишга номзодларга қўйиладиган талаблар асосида эълон берилсин.

7. Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит кўмитаси томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун танлов ўтказиш тартиби ва аудит ташкилотига танловда иштирок этиш учун қўйиладиган шарт ва мезонларни ўз ичига олган низом ишлаб чиқилсин ва уни кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиш муҳокамасига киритилсин.

8. Жамият ижроия органи томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖ ва “Mosaic financial” МЧЖ ўртасида ахборотни ошкор этмаслик тўғрисида битим (NDA)ни расмийлаштирилсин.

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси



Б.Рустамов

Т.Алибеков

Ж.Бойсинов

У.Асроров

Баённома имзоланган сана: 2023 йил 12 июль